SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI!

# O'ZBEKISTON OVOZI

XDP O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2017-yil, 31-yanvar. Seshanba • 14 (32.229) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

## ИСЛОМ КАРИМОВ ТАВАЛЛУДИ КУНИ МАМЛАКАТИМИЗ БЎЙЛАБ КЕНГ НИШОНЛАНМОҚДА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 30 январь — Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан Самарқандга ташриф буюрди.**

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов қабрини зиёрат қилди. Қуръон тиловат қилинди.

Самарқанд дунёга машҳур, кўпчилик бир кўришни орзу қиладиган Регистон, Амир Темур мақбараси, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда ва Ҳазрати Хизр мажмуаси каби тарихий обидалари қаторида бугун Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, мустақиллигимиз асосчиси Ислом Каримов мангу қўним топган маскан сифатида ҳам эътироф этилмоқда.

Зиёратчилар қадами узилмайдиган бу жой бугун табаррук масканга айланган. Мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келаётган юртдошларимиз, хорижлик давлат ва жамоат арбоблари, сайёҳлар Ислом Каримов хотирасини ёд этиб, Юртбошимизнинг Ватан, халқ олдидаги эзгу ишларини эсга олмоқда.

Биринчи Президентимизнинг ташаббуси билан мамлакатимизда кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, Самарқанд ҳар томонлама обод қилиниб, бутун жаҳондан келадиган меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда.

Бу хайрли ишлар бугун Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида тизимли равишда давом эттирилмоқда.

Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори халқимиз кўнглидаги ниятнинг ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу қарорга мувофиқ 30 январь — Ислом Каримов таваллуди куни муносабати билан мамлакатимиздаги таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётир.

Бу тадбирларда Ислом Каримов серқирра фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдиргани, нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида катта ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлган улкан шахс, давлат ва сиёсат арбоби сифатида танилгани таъкидланмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуди санаси — 30 январь куни пойтахтимиз Тошкентда, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда эҳсон оши берилди.

Самарқанд ва Тошкентдаги маросимларда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди.

**ЎзА**

## ХОТИРАСИ МАНГУ ЯШАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида улуғ Юртбошимиз таваллуд санаси муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери Н.Исмоилов, парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, депутатлар О.Жамолиддинова, Қ.Жўраев, А.Қирғизбоев ва бошқалар халқимиз ўтган 25 йил мобайнида эришган улкан ютуқ ва марраларни Биринчи Президентимиз Ислом Каримов номи билан узвий боғлашини таъкидлади.

Шу маънода давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори халқимиз кўнглидаги ниятнинг ёрқин ифодаси бўлди.

Мустақиллигимиз меъмори ишлаб чиққан тараққиётнинг «ўзбек модели» – қонун устуворлигини таъминлаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, давлатнинг ислоҳотлар ташаббускори бўлиши, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига таянилгани ютуқларимизнинг асосий омили бўлди.

Биринчи Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида суд-ҳуқуқ тизими, миллий сайлов тизими, давлат бошқаруви, ахборот, фуқаролик жамияти институтлари каби жабҳаларга тааллуқли қатор қонунлар қабул қилинди.

Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, қатъияти ва матонати, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимиз тарихида ўчмас из қолдирди, ёрқин буюк шахс ва давлат арбоби сифатида нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон ҳамжамиятида ҳам юксак ҳурмат ва обрў-эътиборга сазовор бўлди.

Йиғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Биринчи Президентимиз Ислом Каримов хотирасини абадийлаштириш ишига муносиб ҳисса қўшиш, Юртбошимизнинг Ватанимиз тараққиётидаги беқиёс хизматлари, тарихимиздаги ўчмас ўрни ва аҳамиятини чуқур ўрганиш, уни кенг жамоатчиликка етказиш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

**Н.УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ДОИМО ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИДАСИЗ

**Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовни халқимиз мустақиллигимиз ва тараққиётимиз асосчиси сифатида билади ва юксак қадрлайди.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори халқимиз истагини ифодалаган, қалб тўридан жой олган муҳим ҳужжат бўлди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Буюк Йўлбошчимиз таваллуд топган кун муносабати билан ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз борди. «Ёди ҳамиша ёдда» деб номланган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маънавият тарғиботчилари, олимлар, профессор-ўқитувчи ва талабалар иштирок этди.

Университет ректори А.Мараҳимов, академик М.Салоҳиддинов, адабиётшунос Ш.Ризаев ва бошқалар халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти, мамлакатимизнинг барқарор иқтисодий равнақи учун борлиғини, умрини бағишлаган, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Кзримовнинг беқиёс хизматларини ёшлар онгу қалбига сингдириш катта тарбиявий аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

Биринчи Президентимиз мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси сифатида дунёда «ўзбек модели» деб тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида ташкил этилган тадбирда олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари М.Каримов, университет ректори Ф.Ризаев, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Олмазор тумани ҳокими Б.Ғойибназаров ва бошқалар Ислом Каримов ўзининг серқирра сиёсий фаолияти, олижаноб инсоний фазилатлари билан Ватанимизнинг кўп асрлик тарихида ёрқин из қолдирганини таъкидлади.

Тошкент кимё-технология институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ташкил этилган тадбир «Келажаги буюк юртнинг Биринчи Президенти — Сиз доимо қалбимиздасиз!» деб номланди.

Институт ректори С.Туробжонов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши раиси ўринбосари Н.Йўлдошева ва бошқалар Биринчи Президентимиз ёш авлодга мунтазам ғамхўрлик кўрсатганини таъкидлади.

Қибрай туманидаги «Дўрмон» маданият саройида ўтказилган маданий-маърифий тадбирда ёшларга Биринчи Президентимиз раҳнамолигида шаҳару қишлоқларимизда рўй берган оламшумул ўзгаришлар, юртдошларимиз кайфияти, бугунги ҳаётдан мамнунлиги ҳамда мустақилликкача бўлган даврдаги оғир кунлар ҳақида сўзлаб берилди.

Андижон банк коллежида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши ҳамда вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ҳамкорлигида ўтказилган тадбир «Буюк Йўлбошчига ҳамиша таъзимдамиз» деб номланди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов таваллуди санаси — 30 январь куни муносабати билан бутун мамлакатимиз бўйлаб турли тадбирлар давом этмоқда.

**ЎзА**

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Қадрли дўстлар!

Сизларни қутлуғ сана — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 25 йиллиги билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Мамлакатимиз фуқаро авиацияси бизнинг мустақил давлатимиз билан биргаликда изчил шаклланди ва ривожланди. Ўтган чорак аср давомида пухта ўйланган, узоқ муддатга мўлжалланган стратегия асосида мазкур тармоқни тараққий эттириш бўйича улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Бугунги кунда Миллий авиакомпаниямиз Ўзбекистонни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш, кўплаб хорижий давлатлар билан самарали ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Компания кўп миллатли жамоасининг юксак касб маҳорати нуфузли халқаро авиация ташкилотлари томонидан бир неча бор эътироф этилди. Авиация хавфсизлигини таъминлаш, парвозларни сифатли амалга ошириш, авиация фаолиятининг барча соҳаларида, жумладан, авиация техникасига хизмат кўрсатишда энг илғор технологияларни кенг қўллаш борасида юксак натижаларга эришилди.

Ҳозирги вақтда замонавий ҳаво кемалари, хусусан, Боинг-787 (Dreamliner) самолётлари билан таъминланган Миллий авиакомпания халқаро авиаташувлар тизимида муносиб ўрин эгаллайди. «Ўзбекистон» ёзуви туширилган авиалайнерлар жадал ривожланиб бораётган мамлакатимизнинг ёрқин рамзи сифатида дунёнинг кўпгина минтақалари ҳаво маконини забт этиб, йигирмадан ортиқ давлатга парвозларни амалга оширмоқда. 2016 йилда авиакомпаниямиз самолётлари томонидан 2 миллион 500 минг йўловчи ва 43 минг тонна юк тегишли манзилларга етказилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ҳар йили 90 мингдан зиёд транзит парвозларни бошқариб, 300 дан ортиқ хорижий авиакомпания самолётларига аэронавигация хизмати кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти Марказий Осиё минтақасида ягона бўлган, энг замонавий талабларга жавоб берадиган Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш маркази хизматларидан фойдаланмоқда. Боинг-787 самолётлари учун Композиция материалларидан тайёрланган маҳсулотларни таъмирлаш маркази компания фаолиятида кенг истиқболлар очди.

Мамлакатимизнинг жаҳон стандартлари даражасида модернизация қилинган барча ўн битта аэропортига «халқаро аэропорт» мақоми берилди. Минтақамиздаги энг йирик ва юкларни манзилга етказиб бериш бўйича юқори технологияларга асосланган комплекслардан бири — Навоий шаҳридаги Халқаро интермодал логистика маркази Евроосиёнинг асосий логистика марказлари билан ҳаво қатновлари орқали боғланган. Юкларни ҳаво йўллари орқали ташиш тармоғи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Халқимиз Ўзбекистон ҳаво флоти ходимлари — учувчи ва муҳандислар, авиатехник ва борт кузатувчилари, ердан туриб парвозлар хавфсизлигини таъминлайдиган барча хизматлар диспетчер ва мутахассисларининг фидокорона ва сидқидилдан қилаётган меҳнатини юксак қадрлайди.

Айни вақтда барчамиз бир ҳақиқатни яхши тушунамиз, бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замон бизнинг олдимизга янги ва янада қатъий талаблар қўймоқда. Олдимизда ҳали қиладиган ишимиз кўп, биринчи навбатда, авиакомпаниямиз рақобатдошлигини янада ошириш — энг муҳим вазифамиздир.

Ишончим комил, сизлар ўтган даврда қўлга киритилган ютуқларни танқидий ёндашув асосида баҳолаб, ўзингизнинг бор билим ва тажрибангиз, бутун салоҳиятингизни ишга солиб, янада юксак масъулият ва фидойилик билан меҳнат қиласиз.

Азиз дўстлар!

Сизларни Миллий авиакомпаниямиз ташкил топганининг 25 йиллиги билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман. Сизларга бахту саодат, мустаҳкам соғлик, олижаноб фаолиятингизда юксак парвозлар ва янги-янги ютуқлар тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз фуқаро авиациясини замонавий талаблар асосида ривожлантириш, авиация хавфсизлиги ва парвозларни сифатли амалга оширишни таъминлаш, тизимга илғор технологияларни жорий этиш ва юқори малакали кадрлар тайёрлаш борасидаги катта хизматлари учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ФУҚАРО АВИАЦИЯСИ ХОДИМИ»**

**Мухамеджанов Давлет Талгатович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «А-320» учувчилар отряди учувчи-йўриқчи методисти

**Салимов Сергей Мартиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг линияли хизмат кўрсатиш цехи бошлиғи

Юртимиз ҳаво транспорти тизимидаги кўп йиллик самарали меҳнати, миллий авиациямизни халқаро андозаларга мувофиқ такомиллаштириш, соҳага оид ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Акбаров Акмал Акрамович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси бош директорининг биринчи ўринбосари

**Нурматов Дилшатжон Ахматович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Махсус авиация ишлари» компанияси Қарши авиазвеноси командири

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ибрагимов Илхам Каримович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Махсус авиация ишлари» компанияси 1-учувчилар отряди командирининг ўринбосари

**Клеблеев Гани Рустамович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонасининг Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатиш маркази бош менежери

**Тян Сергей Валерьевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Ўқув-машқ маркази директорининг парвоз тайёргарлиги бўйича ўринбосари — Учувчилар-методика бўлими бошлиғи

**Хусанов Умид Аброрович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг Парвозлар хавфсизлиги бўйича инспекцияси бош инспектори

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллажанов Махкам** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг ўта муҳим парвозлар бўйича бош диспетчери

**Карабаш Дилявер Эскендерович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуаси «А-320» учувчилар отряди командирининг ўринбосари

**Марупов Джавохир Абдухафизович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг «Махсус авиация ишлари» компанияси 2-учувчилар отряди командири

**Романова Раиса Михайловна** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Марказий ишлаб чиқариш-диспетчерлик хизматининг режалаштириш ва ишлаб чиқаришни бошқариш бўлими бошлиғи

**«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдукахаров Алишер Шавкатович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасининг парвозларнинг электр ёруғлик техник таъминоти хизмати электрмонтёри

**Бабаев Тахир Фазилович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Ўзаэронавигация» маркази Термиз ҳудудий бўлинмаси бошлиғининг ўринбосари

**Глазков Андрей Анатольевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Тошкент халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасининг махсус транспорт хизмати ҳайдовчиси

**Исаев Улугбек Садуллаевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Навоий халқаро аэропорти» давлат унитар корхонаси директорининг биринчи ўринбосари

**Мирзаев Кудрат Мирхалилович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси цех муҳандиси

**Салахитдинов Рустам Зайнабидинович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Uzbekistan airways technics» авиакорхонаси директорининг биринчи ўринбосари

**Солодовников Денис Георгиевич** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг парвозлар хавфсизлигини бошқариш ва сифат менежменти тизими бўлими бошлиғи

**Тохиров Вохиджон Зохидович** — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Самарқанд халқаро аэропорти» давлат унитар корхонасининг махсус транспорт хизмати ҳайдовчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 28 январь*

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» МИЛЛИЙ АВИАКОМПАНИЯСИНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, соҳани модернизация қилишда эришилган ютуқлар, илғор технологияларни жорий этиш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва сифатли ҳаво транспорти хизматини кўрсатиш борасида дунёда муносиб ўрин эгаллаганлиги ва халқаро миқёсда эътирофга сазовор бўлаётганлиги, миллий авиакомпаниямизнинг жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида тутган ўрнини эътиборга олиб ҳамда ташкил этилганининг 25 йиллиги муносабати билан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2017 йил 28 январь*



## «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАНОТЛАРИ

**Тошкентда 28 январь куни «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, авиакомпания масъул ходимлари ва фахрийлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси жамоасига йўллаган табригини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Арипов ўқиб эшиттирди.

► Давоми 2-бетда.

## Корея Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Хван Гё Ан Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Мамлакатларимиз ҳамкорлиги тарихидаги муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон халқи номидан Сизни ва бутун Жанубий Корея халқини самимий табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бугунги кунда стратегик шериклик даражасига кўтарилган мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатлар минг йиллик тарихга эга экани ва халқларимиз ўша даврлардаёқ Буюк ипак йўли орқали дипломатик, савдо ва маданий алоқаларни йўлга қўйганини юксак қадрлаймиз.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳурмат ва ҳамжиҳатлик анъаналарига асосланган алоқалар ҳар икки томоннинг сиёсий хоҳиш-иродаси туфайли мустаҳкам ва ўзаро манфаатли хусусият касб этди.

Катта иқтисодий, интеллектуал ва индустриал-техник салоҳиятга эга, жаҳон иқтисодиёти ва сиёсатида муҳим ўрин тутаётган Корея Республикаси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган вақт мобайнида мамлакатимиз учун ишончли ва узоқ муддатли шериклардан бирига айланди.

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ҳамкорликнинг муҳим асосларини янада мустаҳкамлаш, олий даражадаги очиқ ва ишончли сиёсий мулоқотларни ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида кенг ҳамкорлик қилиш ва бир-бирини қўллаб-қувватлаш борасида салмоқли ютуқларга эришганини мамнуният билан таъкидлашни истардим.

Ўзбекистон Корея Республикасининг тинчликпарвар ва ҳар томонлама пухта ўйланган ташқи сиёсатини, Корея ярим оролида тинчлик, хавфсизликни таъминлаш, уни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини изчил қўллаб-қувватлайди.

Сизнинг 2016 йил май ойида Ўзбекистонга расмий ташриф билан келиб, Сурғил кони негизида барпо этилган Устюрт газ-кимё мажмуасини фойдаланишга топшириш маросимида иштирок этганингизни мамнуният билан эслайман. Ушбу мажмуани биз самарали ҳамкорлигимизнинг ёрқин рамзи ва кейинги бунданда йирик ва муҳим лойиҳалар учун андоза сифатида қабул қиламиз.

Яқинда телефон орқали мулоқотимиз чоғида Корея Республикаси ҳукумати ва ишбилармон доиралари Ўзбекистон билан Жанубий Корея муносабатларини турли йўналишлар бўйича янада кенгайтириш, икки томонлама стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасида янги имкониятларни ишга солишга тайёр эканига яна бир бор амин бўлганимни алоҳида таъкидламоқчиман.

Сизни яна бир бор ишонтириб айтаманки, шахсан мен ва Ўзбекистон ҳукумати Корея Республикаси билан савдо-иқтисодий, молиявий-инвестициявий ва технологик ҳамкорликни янада мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдориман. 25 йил давомида айнан мана шу соҳаларда ҳамкорлигимиз мунтасил ривожланди. Энергетика, кимё, тўқимачилик, автомобиль саноати, инфратузилма, транспорт, «электрон ҳукумат» ва телекоммуникациялар соҳасида ҳамкорликда ҳаётга татбиқ этилган кенг кўламли юқори технологик инвестиция лойиҳалари бунинг ёрқин тасдиғидир.

2016 йил Сеулда ўтказилган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўмита мажлиси ва икки давлат молия вазирларининг учрашуви қатор истиқболли соҳаларда ўзаро ҳамкорликнинг янги йўналишларини мувофиқлаштириш имконини берди.

Маданий-гуманитар алоқалар ҳам жадал ривожланиб, халқларимиз ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилаётгани алоҳида диққатга сазовордир. Жорий йилда саховатли Ўзбекистон заминида яшаётганининг 80 йиллигини нишонлайдиган корейс диаспораси мамлакатларимиз ўртасида дўстлик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва халқларимизни бир-бирига яқинлаштиришда алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон билан Корея Республикаси ўртасида йўлга қўйилган ўзаро муносабатларни янада мустаҳкамлаш, кенг кўламли икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг янги йўналишларини белгилаш мақсадида ишончли ва амалий мулоқот ҳамда ҳамкорлик бардавом бўлишига ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, Сиз, Хван Гё Ан Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлик, улкан муваффақият, Корея Республикаси халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилайман.

Самимий эҳтиром билан,

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари!

Сиз билан 2017 йил 5 январь куни телефон орқали мулоқотимиз чоғида Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш принциплари, шунингдек, шахсий дўстона муносабатларимизни ривожлантириш тарафдори эканимизни тасдиқлаганимиз алоҳида аҳамиятга эга эканини мамнуният билан таъкидлайман.

Жорий йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 25 йил тўлди. 2006 йил Корея Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларацияни имзолади ва шундан буён мамлакатларимиз сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа кўплаб соҳаларда ўзаро манфаатли ва истиқболли ҳамкорликни изчиллик билан кенгайтириб келмоқда.

Ўтган йили самарали ҳамкорлигимизнинг ёрқин намунаси бўлган Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси муваффақиятли ниҳоясига етказилди. Нефть-кимё соҳасида биргаликда амалга оширилаётган бошқа лойиҳалар, шунингдек, келажакда ҳаётга татбиқ этиладиган янги лойиҳалар ҳам мамлакатларимизнинг самарали ҳамкорлигини янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишонаман.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги, корейсларнинг Марказий Осиёда яшаётганининг 80 йиллиги Корея Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини янада мустаҳкамлашда муҳим омил ҳисобланади. Ўзаро ҳамкорлик доирасида барпо этилаётган Корейс маданияти ва санъати уйи халқларимизни янада яқинлаштиришда муҳим аҳамият касб этишига ишончим комил.

Жаноби Олийлари, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, Ўзбекистон Республикасига чексиз фаровонлик тилайман.

Эҳтиром билан,

**Хван ГЁ АН,**
**Корея Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи**

# ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ЭНГ ҚУЛАЙ ВА САМАРАЛИ УСУЛИДИР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан яқиндан танишиш, халқ билан учрашиш ва мулоқот қилиш мақсадида 27-28 январь кунлари Хоразм вилоятида бўлди.**

Шавкат Мирзиёев ўзининг сайловолди дастурида давлат органлари халққа хизмат қиладиган тизим жорий этилишини, барча даражадаги раҳбарлар ҳудудларда, одамларнинг дардини эшитиб, масалаларни жойида ҳал қилишини таъкидлаган эди. Орадан қисқа вақт ўтганига қарамай, ушбу дастурий вазифалар ҳаётда ўз ифодасини топмоқда. Президентимиз ҳудудларга сафари чоғида ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар билан жойида танишиб, хонадонларга кириб, халқ билан мулоқот қилмоқда. Бу одамларнинг дунёқарашини, ҳаётга муносабатини ўзгартирмоқда.

Давлатимиз раҳбари 28 январь куни Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали билан танишди.

Мазкур шифохона аҳолига даволаш ва профилактика хизмати кўрсатиб келмоқда. Кардиология, кардиореабилитация, кардиохирургия, интервенцион кардиология ва физиотерапия бўлимлари, поликлиника фаолият юритмоқда.

Ушбу тиббиёт маскани негизида Россия Федерациясининг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиалини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Бу чақалоқларда учрайдиган юрак нуқсонларини эрта аниқлаш ва даволаш, йилига 3 мингдан зиёд беморга ихтисослашган тиббий ёрдам кўрсатишга имконият яратади. Мазкур шифохона Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро вилоятлари аҳолиси учун минтақавий марказ бўлади.

Соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинини ривожлантириш, ўқув юртларида қишлоқ врачлик пунктларига ихтисослашган мутахассислар тайёрлаш, профилактика ишларини кучайтириш, аҳолининг тиббий маданиятини ошириш долзарб масалалар ҳисобланади. Бундай марказлар беморларни даволаш билан бирга, ана шу ишларга ҳам салмоқли ҳисса қўшиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Тошкент тиббиёт академиясининг Урганч филиалида 1100 га яқин талаба таълим олмоқда. 16 кафедрада 161 профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда.

Ушбу филиал негизида И.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда клиника ташкил этилмоқда. Унда эндокринология, отолорингология, гематология, аллергология, терапия бўлимлари очилади. Университет олим ва шифокорлари бу ерда дарс беради, диагностика ишларини олиб боради ва даволайди. Талабалар клиникада замонавий даволаш усулларини янада чуқур ўрганади.

Президентимиз Хоразмда мазкур икки муассасанинг ташкил этилиши тарихий воқеа бўлишини, Оролбўйи аҳолиси учун улкан ижтимоий аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлади. Бу марказлар мазкур ҳудудда кўп учрайдиган касалликларни самарали даволаш, тиббиёт ходимлари ва ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишда муҳим ўрин тутади.

Давлатимиз раҳбари Охунд бобо масжиди қурилиш участкасида бўлди. Нуронийлар билан суҳбатда ёшларни юксак маънавиятли инсонлар этиб тарбиялаш, тинчлик-осойишталикни янада мустаҳкамлаш, вилоятда амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар ҳақида сўз борди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хоразм вилоятидаги Халқ қабулхонасини бориб кўрди. Бу ерда фуқароларни қабул қилиш, мурожаатларни кўриб чиқиш ва сақлаш учун замонавий шароит яратилган. Ходимлар, ёш болали оналар, ногиронлар ва бошқа фуқаролар учун барча жиҳатлар эътиборга олинган. Ҳар бир мурожаатни назоратга олиш ва ҳал этиш, фуқаролар учун қулайликларни янада ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёевнинг сайловолди дастурида ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бунга тўсиқ бўлаётган камчиликларни бартараф этишга қаратилган қатор муҳим дастурлар қабул қилиниши ҳақида сўз борганди. Аҳолини арзон дори-дармон воситалари билан таъминлаш, маиший чиқиндиларни санитария йўли билан тозалаш ва қайта ишлаш, пахта толасини ҳудудларнинг ўзида қайта ишлаш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш — ана шундай йўналишлардан эди. Бугунги кунда уларнинг ижроси бўйича ишлар бошлаб юборилган.

Урганч шаҳрида ҳам мазкур тармоқларга ихтисослашган саноат корхоналари ташкил этилмоқда. Масалан, фармацевтика соҳасида «Мем гилан» хорижий корхонаси йўлга қўйилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 октябрдаги «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу соҳага кенг имконият яратмоқда.

Корхонада инфузион эритмалар, ампулалар, таблетка ва капсулалар ишлаб чиқарилади. Умумий қиймати 29 миллиард сўмлик ушбу лойиҳа натижасида 200 га яқин иш ўрни яратилади. Ҳудудда бундай фармацевтика корхонаси йўқлиги боис янги қувват дори воситалари нархини арзонлаштиришга хизмат қилади. Ички бозордан ортган маҳсулотни экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

«Урганч махсус транс» масъулияти чекланган жамияти Миллий банк кўмагида маиший чиқиндини қайта ишлаш лойиҳасига киришган. Корхонада Хитой технологияси асосида йилига 250 минг тонна чиқиндини йиғиш, саралаш ва қайта ишлаш йўлга қўйилади. Бу шаҳарда санитария ҳолатини яхшилаш, аҳоли саломатлигини сақлаш ва бандликни оширишда муҳим омил бўлади.

«Ург-текс» масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга ошириладиган яна бир лойиҳа ип-калава ишлаб чиқаришга йўналтирилган. Корхона Германия ва Туркия ускуналари асосида йилига 4 минг тонна маҳсулот тайёрлаш, 200 иш ўрни яратиш имконини беради. Ҳар йили 6,5 миллион долларлик товар экспорт қилиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиҳалар билан танишар экан, бундай корхоналарни мамлакатимизнинг бошқа вилоятларида ҳам ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев хоразмликлар билан сайловолди учрашувида 2017 йилда Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш, машҳур ҳофиз номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва унинг таркибида гўзал боғ ташкил этишни таклиф қилган эди.

Президентимиз мазкур ижод маркази қурилиш участкасини бориб кўрди. Бу ерда Комилжон Отаниёзов ҳайкалини барпо этиш, қурилиш лойиҳасини такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар берилди. Марказда ёшлар адабиёт ва санъат сирларини пухта ўрганади.

Урганч шаҳридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида меҳнат фахрийлари, санъат ва адабиёт намояндалари билан мулоқот бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, одамларнинг дунёқараши ва маънавиятини юксалтириш, аҳоли турмуш даражасини янада ошириш ҳақида сўз борди.

Учрашув қатнашчилари маданият ва санъатни ривожлантиришга қаратаётган улкан эътибори, устозларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатаётгани учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Шунинг билан Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар САМАДОВ,**
**Аҳмаджон ШОКИРОВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

# «ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО ЙЎЛЛАРИ» — МУСТАҚИЛ МАМЛАКАТНИНГ МУСТАҲКАМ ҚАНОТЛАРИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг фармонига мувофиқ «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

Давлатимиз раҳбари фармонига биноан «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди. Тадбирда ана шу мукофотлар тантанали равишда топширилди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпаниясининг 25 йиллик фаолияти акс этган видеолавҳа намойиш этилди.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Миллий авиакомпаниясини ташкил қилиш тўғрисида»ги фармонига кўра, Миллий авиакомпания ташкил этилди. Бу мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизни ривожлантириш йўлида қўйилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Компания зиммасига мамлакатимиз учун стратегик соҳа ҳисобланган фуқаро авиациясини барқарор ривожлантириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш ва йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш вазифаси юкланди. Давлатимиз томонидан Миллий авиакомпания фаолиятини изчил такомиллаштириб боришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» қисқа фурсатда жаҳон авиабозорида ўзининг муносиб ўрнини топди. Хавфсизлик, қулайлик ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш компаниянинг ўзига хос ташриф қоғозига айланди.

Мамлакатни дунёга танитадиган ва халқаро алоқаларни изчил таъминлайдиган воситалар орасида фуқаро авиацияси алоҳида ўрин тутади. Ҳаво кемалари мамлакатлар ва халқларни боғлайди, иқтисодиёт ривожланишида, ўзаро манфаатли ҳамкорлик кенгайиши ва мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади. «Ўзбекистон» ёзуви туширилган ва давлатимиз байроғи акс этган замонавий ва қулай авиалайнерлар бугун дунёнинг элликдан



ортиқ шаҳрига парвоз қилмоқда. Аляскадан то Янги Зеландиягача чартер қатновлари амалга оширилаётир. 2016 йилда авиакомпаниямиз самолётлари 2 миллион 500 минг йўловчига хизмат кўрсатди ва 43 минг тонна юк ташиди.

Ўтган йилларда Миллий авиакомпания авиапарки жаҳонга машҳур компанияларда ишлаб чиқарилган замонавий самолётлар билан тубдан янгиланди. Натижада Миллий авиакомпаниямиз жаҳон авиаташувлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллади, парвозлар ва йўловчилар хавфсизлигини талаб даражасида таъминлашга эришди.

Авиакомпаниянинг қандай ҳаво кемаларидан фойдаланаётганига қараб, давлатнинг иқтисодий салоҳияти ва ҳамкорлик имкониятларига баҳо бериш мумкин. Халқаро туризм ривожида замонавий, хавфсиз, ишончли ҳаво йўлларининг ўрни беқиёс. Шу боис Биринчи Президентимиз ташаббуси билан Миллий авиакомпаниямиз парки босқичма-босқич модернизация қилинди, энг сўнгги русумдаги ҳаво кемалари билан тўлдирилди. Учувчиларимиз А-320, Boeing-757/767, Ил-114-100 каби ҳаво кемаларини маҳорат билан ўзлаштириб, янги авлод самолётлари — Dreamlinerларни ҳам бошқармоқда. Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида мамлакатимиз авиапаркига дунёдаги саноқли давлатлар авиаташувчилари қаторида биринчилардан бўлиб, энг замонавий иккита Boeing-787-8 Dreamlinerи олиб келингани юртимизнинг халқаро авиаташувлар тизимидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, нуфузини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Аэропортларни тубдан қайта қуриш ва ҳаво ҳаракатини бошқариш тизимини ислоҳ этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизнинг 11 аэропорти замон талабларига мувофиқ мукаммал таъмирдан чиқарилди, модернизация қилинди, халқаро мақомга эга бўлди. Натижада юртимизга келувчи сайёҳлар оқими ошди, уларга хизмат кўрсатиш даражаси янада юксалди. «Тошкент», «Самарқанд», «Бухоро», «Урганч» сингари халқаро аэропортларимиз бир неча халқаро танловларда ғолибликни қўлга киритиб келаётгани бунинг ёрқин далилидир.

«Навоий» аэропорти негизида ташкил этилган Халқаро интермодал логистика маркази минтақанинг юқори технологик ва улкан авиаюк ташиш салоҳиятига эга мажмуаларидан биридир. Бугун ушбу марказ мамлакатимизни Франкфурт, Милан, Брюссель, Вена, Сарагоса, Осло, Базель, Дубай, Деҳли, Теҳрон, Шанхай сингари кўплаб йирик логистика марказлари билан боғламоқда.

2016 йилда мамлакатимиз фуқаро авиациясини янада ривожлантириш йўлида навбатдаги муҳим қадам ташланди — «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан «Boeing» корпорацияси ҳамкорлигида самолётлар учун композиция материалларидан тайёрланган маҳсулотларни таъмирлаш маркази иш бошлади. Бугунги кунда жаҳон авиасаноатида композит материаллардан кенг фойдаланилаётир. Чунончи, «Орзу лайнери» (Boeing-787-8 Dreamliner) фюзелажининг эллик фоизи шундай материаллардан таркиб топгани ҳисобидан оғирлиги сезиларли даражада камайтирилган. Янги марказ миллий ва хорижий авиаташувчилар самолётларига юқори сифатли техник хизмат кўрсатиш бўйича кенг имкониятларга эга.

Айни пайтда Жанубий кореялик ҳамкорлар билан соатига 1,5 минг йўловчига хизмат кўрсатишга ихтисослашган Марказий Осиёдаги энг замонавий «Тошкент-4» йўловчилар терминалини қуриш бўйича йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур иншоот 2019 йил охирида фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон ҳаво флоти ходимларининг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан юксак қадрланмоқда. Миллий авиакомпаниямизнинг ўнлаб ходимлари фахрий унвонлар, турли орден ва медаллар билан тақдирланган. Миллий авиакомпания «Boeing» учувчилар отрядининг учувчи-йўриқчиси Зархўжа Саидазимов 2007 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони олий унвонига сазовор бўлган.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Бош директори В.Тян, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Учувчилар мажмуасининг «А-320» учувчилар отряди учувчи-йўриқчи методисти Д.Муҳаммаджонов, «Махсус авиация ишлари» компанияси 2-учувчилар отряди командири Ж.Маърупов ва бошқалар Миллий авиакомпания ривожига алоҳида эътибор қаратаётгани ва доимий қўллаб-қувватлаётгани, компания жамоаси меҳнатини юксак қадрлаётгани учун Президентимизга самимий миннатдорлик билдирди.

Тантанали маросим концерт дастури билан якунланди.

**Бекзод ҲИДОЯТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

◀ *Давоми. Бошланиши 1-бетда.*

«Ўзбекистон» ёзуви туширилган ва давлатимиз байроғи акс этган замонавий ва қулай авиалайнерлар бугун дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатига парвоз қилмоқда.

**Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг таваллуд куни муносабати билан жойларда маънавий-маърифий тадбирлар давом этмоқда.**

**Самарқанд давлат чет тиллар институтида бўлиб ўтган тадбирда институт ўқитувчилари, талабалари иштирок этди.**

# Юксак эҳтиром

— Мамлакатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорини халқимиз катта мамнуният билан қарши олди, — дейди **институт ректори Илҳомжон Тўхтасинов.** — Мазкур ҳужжатда таъкидланганидек, мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислом Каримов Ватанимизни мустабид тузум қарамлигидан озод қилди. Буюк Йўлбошчимиз ғоят қалтис ва таҳликали бир вазиятда оғир қийинчиликлар ва синовларга қарамай Ўзбекистонни жадал ва барқарор суръатлар билан ривожланаётган замонавий демократик давлатга айлантирди.

**Маънавий-маърифий ишлар бўйича институт проректори Ҳусниддин Норкулов** истиқлол йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар, эришилган ютуқлар Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканига тўхталди.

**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарининг Бош муҳаррири Сафар Остонов** Биринчи Президентимиз оддий Президент эмасди, доно, жасоратли, ғурури баланд Президент эди, деди ва бу ҳақида тарихий мисоллар асосида ҳикоя қилди.

Тадбирда сўз олган ўқитувчилар, талабалар Биринчи Президентимиз таваллуд топган кун ўзлари учун улуғ кун бўлиб қолишини айтишди. Ислом Каримов ҳаёти ва фаолиятига оид мавзуларда ўзбек ва инглиз тилларида шеърлар ўқилди, саҳна кўринишлари намойиш этилди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ ҚИЛИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Хоразм вилоятига ташрифи давомида ҳудуд келажагини ўйлаб билдирган фикрлари, хоразмликлар билан яқиндан суҳбатлашгани одамларимизнинг кайфиятини кўтариб юборди, янги ютуқ ва марралар сари руҳлантирди.**

Давлатимиз раҳбари вилоятимизнинг бугунги кундаги иқтисодий салоҳиятини яқиндан биладиган, унинг фойдаланилмай турган имкониятларидан бохабар инсон сифатида Хоразм воҳасининг янги ривожланиш даврига тамал тошини қўйди, десак муболаға бўлмайди. Ташриф давомида вилоятнинг саноати, қишлоқ хўжалиги тараққиёти, маҳсулотларни қайта ишлаш, туризмни янада ривожлантириш, аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Демак, тўла ишонч билан айта оламизки, бу ташриф вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу ерда яшовчи ҳар бир инсоннинг турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳар бир ҳудудда одамлар учун муносиб шароитларни яратиш учун муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимиз раҳбари оддий одамлар орасига кириб борди, улар билан самимий суҳбатлашди. Хива тумани Чодра қишлоғида Хурсанд Мадримов ва Оллаберган Раҳимов хонадонларига кириб, уларнинг турмуш шароити, даромадлари билан қизиққани, тўғриси, ҳар бир хоразмликнинг кўнглини тоғдек кўтарди. Томорқадан самарали фойдаланиш, лимон, ёнғоқ, анор, анжир каби сердаромад экинлар экиш бўйича берган тавсияларини нафақат шу хонадон эгалари, балки бутун вилоятимиз аҳолиси муҳим ҳаётий таклиф сифатида қабул қилди.

Ташрифнинг алоҳида эътиборли томони шундан иборат бўлдики, унинг доирасида 2017 йили ва ундан кейинги йилларда вилоятимизда барпо этиладиган саноат, фармацевтика корхоналари лойиҳалари атрофлича муҳокама этилди, амалга оширилиши лозим бўлган кенг кўламли ишлар белгилаб олинди.

Белгиланган тадбирлар доирасида минглаб хоразмлик ёшлар иш билан таъминланади, оилаларнинг турмуш шароитлари яхшиланади, халқимиз дастурхони янада тўкин бўлиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркига кўрк қўшилади.

Ҳозирда хоразмликларнинг фахрига айланган «Дамас», «Орландо» ва «Лабо» русумли автомобиллар учун зарур бутловчи қисмлар шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилмоқда. Бугунги кунда «Ҳазорасп» эркин иқтисодий зонаси учун ер майдони ажратилиб, уни зарур муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси билан таъминлаш ишлари бошлаб юборилган. Жорий йилнинг ўзида ушбу ҳудудда енгил саноат, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, чармпойабзал, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш бўйича 50 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш режалаштирилган. Бу эса янги иш ўринлари яратилиши билан бирга, мамлакатимиз экспорт салоҳияти ошишига ҳам хизмат қилади.

Сир эмаски, бугунги кунда дунёдаги долзарб экологик муаммолардан бири — маиший чиқиндиларни утилизация қилишдир. Мамлакатимиз Президенти мазкур муаммони ҳал этиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратди. Вилоятимизда маиший чиқиндиларни қайта ишлашга мўлжалланган ишлаб чиқариш корхонасига асос солинди. Бу завод Урганч туманининг Ғойбу қишлоғида жойлашади. Яна бир муҳим томони, маиший чиқиндиларни қайта ишлаш орқали янги саноат маҳсулотлари — резина, автошиналар, целлофан ва пластмассадан қозонхоналар учун ёнилғи, ёғоч бўлакларидан хоналарни иситиш учун брикетлар, баклажкалардан тўқимачилик ва қурилиш саноатида талабга эга бўлган синтефон, қурилиш чиқиндиларидан девор материаллари сифатида фойдаланиш мумкин бўлган блоклар ишлаб чиқарилади. Ўнлаб ёшларимиз доимий иш билан таъминланади.

Халқимизни қувонтирган яна бир ҳолат шуки, мамлакатимиз раҳбари томонидан вилоятимиз аҳолисининг соғлиғини сақлаш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда. Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг Хоразм филиали негизида Россия Федерациясининг А.Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлиги илмий-амалий маркази филиали, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали негизида И.Павлов номидаги Биринчи Санкт-Петербург давлат тиббиёт университети билан ҳамкорликда эндокринология, отолорингология, гематология, аллергология, терапия бўлимларини ўз ичига олган клиника ташкил этилиши наинки вилоятимиз, балки Қорақалпоғистон Республикаси аҳолиси учун ҳам қувончли хабар, жуда катта ижтимоий аҳамиятга эга воқелик бўлди, деб биламиз.

Дунёдаги етук тиббиёт муассаларининг тажрибали мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаш, кўп учрайдиган касалликларни самарали даволаш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб, профилактика ишларини олиб бориш тиббиёт мутахассисларининг малакаси ошишига, касбий салоҳияти мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Бу улкан режаларнинг барчаси партиямиз дастурий мақсадларига ҳамоҳанг эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунинг учун партиямиз ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги гуруҳларимиз Президентимизнинг танқидий-таҳлилий фикрлари, қатъий кўрсатмалари асосида янги режалар тузмоқда.

Олдимизда турган яна бир муҳим вазифа давлатимиз раҳбари вилоятимизга ташрифи давомида билдирган таклиф ва ташаббусларнинг мазмун-моҳиятини, улардан кутилаётган натижаларнинг ҳаётий аҳамиятини аҳоли орасида кенг тушунтиришдан иборатдир. Бу эзгу ишларда ҳаммамиз фаол иштирок этишимиз, Президентимиз белгилаб берган вазифаларни амалга оширишда қўлни-қўлга бериб, бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишимиз керак бўлади.

**Раимберган САБУРОВ,**
**халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари.**

## Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётидан

**Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» лойиҳасини ишлаб чиқди. Ушбу лойиҳа доирасида бир қатор интерфаол тадбирлар, амалий ишлар ўтказиш режалаштирилган.**

### «Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким»

Тошкент ирригация ва мелиорация институтида ташкил этилган давра суҳбатида лойиҳа бўйича амалга ошириладиган ишлар, тадбирларнинг аҳамияти, кутилаётган натижалар ҳақида фикр алмашилди.

— Ёшлар ҳар доим уйғоқ ва фаол бўлиши керак, — дейди **Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари сектори мудири Умурбек Бектемиров.** — Ўз тақдирини Ватан тақдири билан боғлаган инсон жамиятдаги муаммоларга бефарқ қарамайди. Биз ҳам «Ёш сиёсатчилар» клуби фаоллари билан биргаликда одамларни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда маҳаллий Кенгаш депутатларига кўмаклашишни мақсад қилдик.

Эркин мулоқот тарзида ўтган тадбирда ёшларга оид муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечими бўйича таклифлар олиш, етакчилик ва ташаббускорлик қобилиятига эга бўлган йигит-қизларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масалалари алоҳида эътиборда бўлди.

«Муаммоларни ҳал этишда менинг иштироким» лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилди.

**Ўзбекистон ХДП**
**Марказий Кенгаши**
**матбуот хизмати.**

Ўзбекистон маҳаллий кенгашларида





Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган суратлар.

# САЙЛОВЧИЛАР ИШОНЧИНИ ОҚЛАШ

## улкан масъулият талаб этади

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилоят кенгашининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Президентимизнинг «Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик — ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак» деб номланган маърузасида белгиланган вазифаларни чуқур ўрганиш, уларни амалга оширишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг фаол иштирокини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.**

— Маърузада ҳар бир масалага танқидий, таҳлилий ёндашилгани, вазиятга холис баҳо берилгани, соҳа ва йўналишлар бўйича асосли таклифлар илгари сурилгани ҳаммамиз учун ўрнак ва намунадир, — деди **вилоят партия кенгаши раиси Меҳрожиддин Дархонов.** — Таъкидланганидек, ислоҳотларнинг асосий мақсади — аҳоли учун муносиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлашдир. Шундан келиб чиқиб, олдимизда турган энг муҳим вазифаларни белгилаб олишимиз зарур.

Партиямиз ташкилотлари ҳамда депутатларимиз аҳоли орасида тарғибот ишларига алоҳида эътибор қаратиши, долзарб ижтимоий масалаларни таҳлил этиш мақсадида давра суҳбатларини ташкил қилиш лозим бўлади. Барча даражадаги ҳокимлар, прокуратура ва ички ишлар органлари раҳбарларининг аҳоли олдида ҳисобот бериш тизимини жорий этишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциямиз билан маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларимиз ҳамкорлигини мустаҳкамлаш муҳим аҳамиятга эга.

Гап халқ билан мулоқот, фуқароларнинг муаммоларини ҳал қилиш ҳақида борар экан, Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятига алоҳида эътибор қаратишимиз шарт. Жойлардаги 19 Жамоатчилик қабулхонасига кўплаб мурожаатлар бўлаётгани, уларнинг аксарияти ўз ечимини топаётгани қувонарли, албатта. Лекин бу борадаги камчиликларимиз оз эмас. Шундай экан, қабулхоналарга бўлаётган мурожаатларни тизимли равишда ўрганиш ва таҳлил этиш, муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини муҳокама қилишни янада кучайтириш зарур. Бу жараёнда партия ташкилотларининг ижро ҳокимияти органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш ниҳоятда долзарб масаладир.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, **жойларда ўтказилаётган мафкуравий йўналишдаги баъзи тадбирларимиз кўпроқ маданий-маърифий, кўнгилочар тадбирларга ўхшаб қолмоқда. Ваҳоланки, тадбирларимизда биринчи навбатда партиямизнинг позицияси ўз ифодасини топиши керак.**

Биз ўтказадиган ҳар бир тадбир партиямиз Сайловолди дастурининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқиши, чуқур таҳлилларга асосланиши, мукаммал тавсияларга эга бўлиши талаб этилади. Энг асосийси, тадбирларда одамлар билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг фикрлари ва муаммоларини эшитиш, саволларига тўғри, аниқ ва малакали жавоб беришга эътибор қаратиш, бунинг учун ҳар бир тадбирга алоҳида, жиддий тайёргарлик кўриш лозим.

Вилоят партия кенгаши раиси «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятини кучайтириш масалаларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Шундан сўнг партия фаоллари, депутатлар кун тартибидаги масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

— Бизнинг мақсадимиз, вазифамиз, керак бўлса, ҳаёт тарзимиз халқ билан мулоқотга боғлиқ, — деди **Бекобод шаҳар партия кенгаши раиси, халқ депутатлари Бекобод шаҳар Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Улуғбек Абдуназаров.** — Амалга ошираётган барча ишларимиз аҳолининг турмуш тарзини янада яхшилаш, жамиятни ривожлантиришга ҳисса қўшишдан иборат бўлмоғи зарур. Қуруқ ваъдалар бериш, қоғоз қоралаш ишларини тугатишнинг аллақачон вақти келди. Одамлар биздан амалий натижалар кутяпти. Сайловчилар ишончини оқлаш эса ҳар бир депутатнинг бурчидир.

Тўғри, аввал ҳам кўплаб учрашувлар бўлган, партия ташкилотлари, депутатлар томонидан одамларнинг мурожаатлари қабул қилинган. Аммо минг афсуски, уларнинг кўпчилиги қоғозда қолиб кетган. Бундан буён ҳар бир депутат аҳоли билан учрашувларни тизимли равишда йўлга қўйиб, шу асосда иш олиб бориши зарур. Махсус жадвал ишлаб чиқиб, муаммоларни уч тартибда ҳал этиш чораларини кўришимиз лозим. Яъни мурожаатларнинг ҳал этилиши бўйича туман, шаҳар, вилоят ёки республика миқёсига ажратиш керак. Бу ҳақда мурожаат эгасига ҳам аниқ маълумот бериб, қандай чоралар кўрилишини тушунтирсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

— Одам ҳаётдан қачон рози бўлади? Қачонки уни эшитадиган, дардини тинглайдиган одам бўлса, муаммоларига ўз вақтида ечим топилса, — деди **ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши сектор мудири Илмижаҳон Тлеубергенова.** — Шу маънода бугун депутатлар ҳамда сиёсий партиялар зиммасидаги масъулият катта. Бошланғич ташкилотлар халққа яқин, уларнинг қувончу ташвишларидан хабардор бўғин саналади. Фаолиятимизни такомиллаштиришда қуйи бўғин имкониятларидан самарали фойдаланишимиз зарур. Давлатимиз раҳбарининг маърузасидан келиб чиқиб, чора-тадбирлар режасини белгилаш жараёнида айни шу жиҳатга эътибор қаратдик. Хусусан, бошланғич ташкилотларда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳи аъзолари иштирокида кўчма жамоатчилик қабулхоналарини ташкил этиш бўйича аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Эндиликда партиянинг туман-шаҳар кенгашлари раҳбарлари ҳар бир маҳалла, бошланғич ташкилотларга чиқиб, электорат манфаатларини таъминлаш ишини ўрганади. Ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва бошқа эҳтиёжманд одамларни қийнаётган муаммоларни чуқур таҳлил қилиб, уларни ҳал этиш чораларини кўради.

Йиғилишда партия ташкилотлари ва депутатлар фаолиятини тубдан такомиллаштириш масалалари бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

### «Қонун ижодкорлиги — ёшлар нигоҳида»

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республика кенгаши Тўрткўл туманида шу мавзуда давра суҳбати ўтказди.**

— Ёшларни қонунлар, ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар билан батафсил таништириб бормоқдамиз, — дейди **Тўрткўл туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси Элдар Бегмуратов.** — Иштирокчилар юртимизда юз бераётган янгиликлар, қонунлардаги ўзгариш ва қўшимчалар, шунингдек, давлат дастурларининг мазмун-моҳияти тўғрисида маълумотларга эга бўлиш билан бирга, ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам билдиришяпти.

Тадбирда Жўқорғи Кенгес депутати Улуғбек Бекчанов, туман партия кенгаши раиси Ойбек Худайберганов, Тўрткўл банк коллежи ўқитувчиси Атаулла Нуриев ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Мнажатдин КУТЛИМУРАТОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**Бундан буён ҳар бир депутат аҳоли билан учрашувларни тизимли равишда йўлга қўйиб, шу асосда иш олиб бориши зарур.**

Тадбир

**Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасида тадбиркорлик субъектлари, хусусан, экспорт ҳамда ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланувчи ташқи иқтисодий фаолият қатнашчилари иштирокида учрашув ташкил этилди.**

# ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Очиқ мулоқот тарзида ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Адлия бошқармаси, Савдо-саноат палатаси, Марказий банкнинг Тошкент шаҳар бош бошқармаси, шунингдек, сертификатлаштириш идораларининг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Учрашувда ишбилармонлар манфаатларини таъминлаш, уларнинг тўлақонли фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлаш ва зудлик билан бартараф этиш масалалари ҳақида сўз борди.

Таъкидланганидек, бу йўналишда Президентимизнинг 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу фармон ижроси доирасида Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда «Тошкент-Аэро» ИБК томонидан ҳам тегишли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, Жамоатчилик маслаҳат кенгаши ташкил этилган бўлиб, мазкур кенгашга тадбиркорлик субъектлари ва божхона брокерлик фирмалари вакиллари аъзо сифатида қабул қилинган.

Кенгашнинг асосий мақсади кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятида божхона соҳасига доир муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, божхона ходимлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашиш ва тўсқинлик қилиш ҳолатларига йўл қўймасликни таъминлашдан иборатдир.

2016 йилда Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ҳамда «Тошкент-Аэро» ИБКда жами 1326 нафар жисмоний ва юридик шахс қабул қилинган.

**Тадбир давомида узлуксиз ишлаётган (0-371) 120-76-76, 120-86-30 рақамли «Ишонч телефонлари» ҳақида иштирокчиларга маълумот берилди.**

— Мен ушбу очиқ мулоқотда божхона тизимида биз, тадбиркорлар учун яратилаётган шарт-шароитлар, шунингдек, турли ғов ва тўсиқларни бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар хусусида муҳим маълумотларга эга бўлдим, — дейди **Қибрай туманида фаолият кўрсатаётган якка тадбиркор Равшан Нуриддинов.** — Бундай очиқ мулоқотлар кўпроқ ўтказилса, айни муддао бўлар эди.

Савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган мулоқотда тадбиркорлар ўз саволларига жавоб олишди.

**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

## аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тубдан яхшиланади

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти томонидан матбуот анжумани ўтказилди.**

Бугунги кунда тасаррувида 32 корхона мавжуд бўлган «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамиятида 3 минг 500 дан зиёд ҳайдовчи ва чиптачи меҳнат қилмоқда. Ўтган йили мазкур жамият томонидан 272 миллиондан ортиқ йўловчи ўз манзилига етказилди. 80 та «Isuzu» русумли автобус харид қилиниб, 181 иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда Тошкент шаҳридаги жами 128 йўналишда ҳаракатланаётган 1442 автобусга GPS трекерлари ва GPS/GSM антеналари ўрнатилган. Бунинг натижасида ҳайдовчиларнинг ҳаракат интервалларига риоя қилиши таъминланмоқда.

Шунингдек, йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда жамоат транспортида GPS-тизимининг ишлашини янада такомиллаштириш мақсадида «Grand Technology System» МЧЖ ҳамкорлигида «Tashbus» мобиль иловаси ишга туширилди.



Ундан фойдаланиш имконияти Android ва Apple iOS дастурларида мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда уни 80 мингдан ортиқ фойдаланувчи юклаб олган. Барча йўловчилар ҳам бу хизматдан фойдалана олмаслиги инобатга олиниб, «Grand Technology System» ва «QUVA» МЧЖлар билан ҳамкорликда Тошкент шаҳридаги бир қатор бекатларга автобусларнинг келиш вақти акс эттирилган электрон ахборот таблолар ўрнатилиб, синовдан ўтказилмоқда.

> Ўтган йили мазкур жамият томонидан 272 миллиондан ортиқ йўловчи ўз манзилига етказилди. 80 та «Isuzu» русумли автобус харид қилиниб, 181 иш ўрни яратилди.

2017 йилда шаҳар жамоат транспортлари оралиқ бекатларига камида 100 та электрон ахборот табло ўрнатиш режалаштирилган.

Улар автобусларнинг йўналиш рақами, бекат номи, автобусларнинг неча дақиқада келиши, валюта курси ҳамда об-ҳаво бўйича маълумотлар беради.

— Тошкент шаҳрида 2100 дан ортиқ бекат мавжуд бўлиб, ҳозирга қадар уларнинг 100 дан зиёди ойнали бекатларга айлантирилди, 20 дан кўпроғида электрон ахборот табло ўрнатилди, — дейди **Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, «Тошшаҳартрансхизмат» акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Отабек Содиқов.** — 2017 йилда яна 100 дан ортиқ ойнали бекатлар қурилади. Жорий йилдаги энг катта лойиҳаларимиздан яна бири йўловчи ташиш транспортларида электрон тўлов тизимини жорий этишдир. Шунингдек, автобус паркини босқичма-босқич янгилаш ишлари давом эттирилади. «Mersedes Benz» автобусларига эҳтиёт қисмлар сотиб олиш бўйича «Эво Бус ГмбХ» компанияси билан шартнома тузилган.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Шаҳбоз САИДОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Медиа-ҳафталик

# ҲАРАКАТ СТРАТЕГИЯСИ ЛОЙИҲАСИ

## атрофлича муҳокама қилинди

**Аввал хабар берилганидек, 23-27 январь кунлари пойтахтимизда медиа-ҳафталик бўлиб ўтди. Унда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси лойиҳаси кенг муҳокама қилинди.**

Ҳафталикнинг учинчи куни Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида белгиланган учинчи йўналиш — мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш ва либераллаштириш масалалари кўриб чиқилди, қизғин фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири ўринбосари Шуҳрат Исмоилов** бошчилигидаги мутахассислар гуруҳи иқтисодиётимизни янада ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини ошириш бўйича режалаштирилаётган ислоҳотлар ҳақида маълумот беришди.

Мамлакатимизнинг яқин беш йиллик тараққиёт стратегияси лойиҳасида макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш ва ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, таркибий ўзгартиришларни чуқурлаштириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, иқтисодиётда давлатнинг иштирокини камайтириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш, туризмни тараққий эттириш масалалари юзасидан қатор таклифлар илгари сурилган.

Тадбирда соҳа мутахассислари иқтисодиёт тармоқларини изчил ривожлантириш билан боғлиқ кўплаб саволларга жавоб беришди. Шунингдек, ҳафталикнинг тўртинчи куни Ҳаракатлар стратегияси лойиҳасида белгиланган мамлакатимизда ижтимоий соҳани янада тараққий эттириш масаласи қизғин муҳокама қилинди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, соҳа экспертлари, вазирликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

— Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясининг ҳаётга татбиқ этилиши давлатимиз ва жамиятимиз ривожини янги босқичга кўтаради, — дейди **иқтисодиёт вазири ўринбосари Дилмурод Турдиев.** — Ушбу муҳим ҳужжат лойиҳасида ижтимоий соҳани янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, одамларнинг бандлиги ва реал даромадларини босқичма-босқич ошириб бориш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимини янада такомиллаштириш, замонавий, қулай ва арзон уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани модернизация қилиш, илм-фан соҳасини ривожлантириш бўйича принципиал ислоҳотларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Тадбирда мутахассислар эҳтиёжманд аҳолини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, тез-тиббий ёрдам тизимини изчил ислоҳ қилиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳақидаги саволларга жавоб қайтарди.

Медиа-ҳафталикнинг охирги кунида хавфсизлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар атрофлича кўриб чиқилди.

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолият концепциясига асосланган принцип ҳамда йўналишларга содиқдир, — дейди **Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари Жавлон Вахабов.** — Ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларга қўшилмаслик, бошқа давлатларнинг ҳарбий базалари ва объектлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашишига, шунингдек, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлишига йўл қўймаслик давлатимизнинг қатъий сиёсий позицияси бўлиб қолади. Шу билан бирга, ташқи сиёсат, аввало, миллий манфаатларимизни инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Медиа-ҳафталик доирасидаги тадбирларда минг нафардан зиёд киши, хусусан, вазирлик ва идораларнинг 50 дан ортиқ мансабдор шахслари, давлат органларининг экспертлари, хорижий давлатларнинг мамлакатимиздаги дипломатик корпус ва ваколатхоналари масъул ходимлари, 400 нафардан кўпроқ оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

Реклама

# «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки «ИМКОНИЯТ»

миллий валютадаги
ютуқли жамғарма омонатини таклиф этади.

Омонатга пул маблағларини қабул қилиш 2017 йилнинг 1 апрелига қадар амалга оширилади.

Мазкур омонат амалда бўлган даврда унга қўшимча маблағлар қабул қилиниб борилади.

«Имконият» омонат пул маблағлари омонатга чекланмаган миқдорда қабул қилинади ҳамда омонат тури бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражида омонат қолдиғи 15 000 000 (ўн беш миллион) сўм ва ундан ортиқ маблағи мавжуд ҳисоб варақалар иштирок этиши мўлжалланмоқда.

Мазкур омонат бўйича ютуқлар тиражи ўтказилиб, омонатчи фоиз даромади билан бирга ютуқлар тиражи якунига кўра, 14 та «Spark» автомобили ёки 400 дан ортиқ маиший техника буюмларидан бирига эга бўлиши мумкин.

Тираж якунидан сўнг, ютуқ чиқиш ёки чиқмаслигидан қатъи назар, сизнинг омонатингиз маҳаллий ҳокимиятнинг тегишли хулосасига кўра, янги квартира сотиб олиш учун расмийлаштириладиган имтиёзли ипотека кредитининг бошланғич бадали сифатида махсус ҳисоб рақамга йўналтирилиши мумкин. Имтиёзли ипотека кредити Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сонли қарори асосида қурилган уйлардаги квартираларга ажратилади.

Шошилинг, бу имкониятни қўлдан чиқарманг!

IPOTEKA BANK

*Imkoniyat yaratamiz!*

www.ipotekabank.uz

Омонатларингиз «Фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш фонди» томонидан ҳимояланган.

*Хизматлар лицензияланган.*

**Андижон шаҳрида 32 нафар ҳарбий хизматчининг оиласи янги кўп қаватли уйга кўчиб ўтди. Замонавий турар жой «Фартипгарантмонтаж» масъулияти чекланган жамияти томонидан бунёд этилди. 4 миллиард сўмликдан зиёд қурилиш ишлари бажарилди.**



*Рустам ЭШОНОВ олган сурат.*

# Ҳарбийларга замонавий уй

Хонадонлар табиий газ, ичимлик суви, электр қуввати билан таъминланган. Уй олдидаги болалар майдончаси барпо этилган.

— 2017 йилнинг биринчи ойида янги уйга эга бўлганимиздан хурсандмиз, — дейди лейтенант Азизбек Холдоров. — Биз ҳарбийларга шундай меҳрибонлик қилаётган Президентимиздан миннатдормиз. Ватанимиз сарҳадларини сергаклик билан қўриқлаймиз.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

*Суратда: ҳарбий хизматчи Баҳромжон Расулов оила аъзолари билан.*

# Янги иш ўринлари

**Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳрида полипропилен қоплар ишлаб чиқарувчи «Қизилқумтекстиль» корхонаси иш бошлади. Бунинг учун Хитойдан 80 минг АҚШ долларига замонавий технология келтирилди.**

— Ички бозорда ушбу маҳсулотга талаб катта, — дейди корхона раҳбари Ботир Жамолов. — Корхонамизда йилиги 3,5 — 4 миллион дона қоп ишлаб чиқариш имконияти мавжуд. Айни кунда 40 нафар маҳаллий ёшлар иш билан таъминланган.

Зарафшон шаҳрида 2016 йилда умумий қиймати 11 миллиард 286 миллион сўмлик жами 124 лойиҳа амалга оширилди. Натижада 768 янги иш ўрни яратилди.

**Илҳом САТТОРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши газетанинг 19 январь сонидаги 5 дона компьютер жамланмаси ва 5 дона принтер қурилмаларини сотиб олиш тўғрисидаги эълон бўйича мурожаатлар муддати узайтирилганлигини маълум қилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ташкилотлар ўз таклифлари ҳамда ҳужжатларини 2017 йилнинг 10 февралига қадар тақдим этиши мумкин.

**Манзил:** 100029 Тошкент шаҳри, Мустақиллик майдони кўчаси, 5/3-уй.

**Телефон:** (0-371)239-18-49; 239-83-12; 239-15-74

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши вилоят ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, партия фаоли Рисолат Эшқобиловага турмуш ўртоғи **Махмашокир АРЗИЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши жамоаси кенгаш ходими Гулнора Давлетовага онаси **МУҲАРРАМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV
Saidkamol XODJAYEV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA (Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 138
17031 nusxada bosildi.
Nashr ko'rsatkichi – 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 22:23
Topshirilgan vaqti — 23:45
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Mirbaxtiyor MIRFAYZIYEV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 4 5 6